


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**ҚОМУСИМИЗ – ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ  
КАФОЛАТИ.**

Тошкент – 2019 йил



**Ўзбекистон Республикаси  
Конституциясининг қабул қилиниши ва  
унинг мамлакат тараққиётида тутган ўрни**



**КОНСТИТУЦИЯ – ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ,  
МАМЛАКАТИМИЗНИ ЯНАДА ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШНИНГ  
МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИДИР.**

**Президент Шавкат Мирзиёев**

**«...1992 йил 8 декабрда қабул қилинган  
Конституциямиз Ўзбекистон тарихида, узоқ, давомли  
мақсад ва вазифаларимизни аниқ белгилаб беришда  
ўзининг пухта ўйланган тамойил ва қоидалари билан  
ишончли ва ҳал қилувчи омил бўлди, деб таъкидлашга  
барча-барча асосларимиз бор».**

# КОНСТИТУЦИЯ НИМА?



**Конституция** (лот. **Constitution** – тузилиш, тузук) – давлатнинг асосий қонуни. У давлат тузилишини, ҳокимият ва бошқарув органлари тизимини, уларнинг ваколати ҳамда шакллантирилиш тартиби, сайлов тизими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек, суд тизимини белгилаб беради.

# Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг яратилиш зарурати



Мустақил давлат Қонституцияси дунёга келишига асосан иккита омил сабаб бўлди:

Жамиятнинг бозор муносабатлари томон тутган йўли, янги тараққиётдаги умумий қонуниятлар ва йўналишларга мувофиқ равишда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилиниши.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНING ЯРАТИЛИШИ**

**Республиканинг янги Конституциясини ишлаб-чиқиш зурурлиги тўғрисидаги ғоя XII чақириқ Олий Кенгашнинг 1990 йил мартда бўлиб ўтган биринчи сессиясидаёқ янграган эди.**

**Олий Кенгашнинг 1990 йил июнда бўлиб ўтган иккинчи сессияси республика Президенти И.А.Каримов раислигида 64 кишидан иборат Конституциявий комиссия ташкил этилди. Комиссия таркибига вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари, хўжаликлар, корхоналарнинг раҳбарлари, давлат ва жамоат идоралари раҳбарлари, олимлар ва халқ хўжалиги мутахассислари кирди.**


**1991 йил 12 апрелда Ислом Каримов бошчилигида Конституция комиссиясининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Конституция лойиҳасини ишлаб чиқишга тайёргарлик соҳасидаги бутун ишни марказлаштириб туриш мақсадида Конституциявий комиссия аъзоларидан ҳамда таниқли олимлар ва мутахиссислардан 32 кишидан иборат ишчи гуруҳи тузилди.**

**Унинг таркибига Олий Кенгашнинг қатор қўмиталари, вазирликлар, прокуратура, суд органларининг раҳбарлари, олимлар, Республика Президенти девони ва Олий Кенгаш идорасининг масъул ходимлари кирдилар.**

*Конституция лойиҳаси икки  
маротаба умумхалқ муҳокамасига  
қўйилди.*

**1992 йил  
26 сентябрь**

**1992 йил  
21 ноябрь**



**Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси  
ўн иккинчи чакрик Ўзбекистон Республикаси  
Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида  
1992 йил 8 декабрда қабул қилинган.**

**Ўзбекистон Республикаси  
Конституцияси Муқаддима, 6 та  
бўлим, 26 та боб, 128 та  
моддаларни ўз ичига олади.**

**Муқаддима**

**Асосий принциплар**

**Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари,  
эркинликлари ва бурчлари**

**Жамият ва шахс**

**Маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилиши**

**Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши**

**Конституцияга ўзгартириш киритиш тартиби**

## Конституцияга киритилган ўзгаришлар солномаси:

1993 йил 28 декабрь

2003 йил 24 апрель

2007 йил 11 апрель

2008 йил 25 декабрь

2011 йил 18 апрель

2011 йил 12 декабрь

2014 йил 16 апрель

2017 йил 6 апрель, ва 31 май

2017 йил 29 август.


**Ўзбекистон Республикаси Конституцияга 1992 йил 8 декабрдан буён, яъни 27 йил ичида **ўн бир мартаба** ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган:**



**Парламент ислоҳоти - 2002 йил 27 январда ўтказилган референдум натижаларига асосланди. Конституциянинг 30 та моддаси, 6 та боби ва 2 та бўлимига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.**

**2007 йилда сиёсий партияларнинг роли ва таъсирини кучайтириш мақсадида Конституциянинг 89-моддаси, 93-модданинг 15-банди, 102-модданинг иккинчи қисмига ўзгартишлар киритилган.**

**Кейинги ўзгартириш 2008 йилда 77-моддага киритилган бўлиб, у сайловларга оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш билан боғлиқ эди.**



**Ислом Каримов томонидан 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис палаталарининг қўшма йиғилишида эълон қилинган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” бўйича Конституциянинг 78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига 2011 йил 18 апрелда эълон қилинган Конституциявий Қонун асосида ўзгартириш киритилган.**



**2011 йилнинг 12 декабрида Конституциянинг 90-модданинг 2-қисмидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддати етти йилдан беш йилга камайтирилган.**

**Конституциямизга 2014 йилнинг 16 апрелида тузатиш киритилган бўлиб, бунда 32, 78, 93, 98, 103 ва 117 - моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.**



**2017 йилнинг 6 апрелида Конституциянинг 80, 81, 83, 93, 107, 110, 111-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.**

**2017 йилнинг 31 майида Конституциянинг 80, 93, 108, 109-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.**

**2017 йилнинг 29 августида Конституциянинг 99, 102 - моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.**



**Конституциямизга охириги тузатиш 2018 йил 15 октябрда киритилган бўлиб, бунда 105 – моддасининг биринчи қисмига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИДА БЕЛГИЛАНГАН ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ



**Ўзбекистон Республикаси  
Конституциянинг 45-моддаси.  
“Вояга етмаганлар лаёқатсизлар  
ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари  
давлат ҳимоясидадир”.**



**Мазкур конституциявий  
модданинг моҳияти ҳам  
давлатнинг ўз ёшлари  
хақида ҳамиша  
қайғуришини англатади.**

**Ўзбекистон  
Республикасининг “Вояга  
етмаганлар ўртасида  
назоратсизлик ва  
ҳуқуқбузарликларнинг  
профилактикаси  
тўғрисида”ги Қонун**


**Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамасининг  
2010 йил 26 ноябрдаги  
қарори билан “Ички ишлар  
органларининг вояга  
етмаганларга ижтимоий-  
ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш  
марказлари тўғрисида”ги  
Низоми**



**Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.**

**Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради.**

**Ўзбекистон Республикасининг  
Конституцияси 64-модда**



**Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари тўғрисида ғамхўрлик қилишлари лозимлиги ҳам Конституциямизнинг 66-моддасида мустаҳкамланган. Улар ўз ота-оналарига моддий-маънавий ёрдам беришга ҳамда кўмаклашишга мажбурдирлар.**

**Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир.**

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг  
41-моддаси**





**“Экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсдаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир, уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги куни ва келажаги кўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқдир”.**

**И.Каримов**



**Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар.**

**Ўзбекистон Республикаси  
Конституциясининг 50-моддаси**

**“Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан улуг” деган ғоя асосида катта ишлар амалга оширилди. Бу ишлар Конституциямизнинг асосий тамойилларини рўёбга чиқаришда яна бир улкан қадам бўлди.**

Мана шу ўтган чорак аср давомида мамлакатимиздаги туб ислохот ва ўзгаришларнинг барчаси Конституциямиз асосида амалга оширилмоқда. Бу эса унинг ҳақиқатан ҳам халқимиз манфаатларига, давлатимизнинг стратегик мақсадларига тўла жавоб берадиган, ҳар томонлама пухта ишланган муҳим сиёсий ҳужжат эканидан далолат беради.

Бу билан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак арзийди, албатта. Айни пайтда биз Асосий қонунимиз талабларини тўлиқ амалга ошириш борасида ҳали олдимизда улкан вазифалар турганини яхши тушунамиз. Яъни, халқимиз ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини амалда таъминлаш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз керак.

**Энг аввало, одамларимиз ислохотлар самарасини келажакда эмас, балки бугун ўз ҳаётида ҳис этишлари зарур.**





**2017-2021 ЙИЛЛАРДА  
ҲАРАКАТЛАР  
СТРАТЕГИЯСИ**

- I. Давлат ва жамият қурилиш тизимини такомиллаштириш**  
(**Мовий ҳаворанг** – осмон ва тоза сув рамзи, буюк Амир Темур давлатининг байроғининг ранги)
- II. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш**  
(**Сиёҳранг** – қонунийлик элементлари ҳисобланган устуворлик ва ор-номуслилик рамзи)
- III. Иқтисодиётни ривожлантириш ва эркинлаштириш**  
(**Тилларанг** – иқтисодиётни ривожлантириш элементлари ҳисобланган куч-қудрат ва бойлик рамзи,)
- IV. Ижтимоий соҳани ривожлантириш**  
(**Қизил ранг** – ҳаёт ва аҳолининг муносиб турмуш тарзини таъминлаш рамзи)
- V. Ҳавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат**  
(**Оқ ранг** – тинчликсеварлик сиёсати элементлари ҳисобланган тинчлик ва софлик рамзи)

**Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада  
чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини  
ривожлантириш концепциясининг демократик  
янгилашиш ва модернизация жараёнларида  
тутган ўрни ва роли**



«Конституция ва қонун устуворлиги ҳамда қонунийлик таъминларининг сўзсиз таъминланиши инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолатидир. Биз бу фикрни янада теран англаб олишимиз керак.

**Шу нуқтаи назардан, Конституция ҳамда қонун талабларига оғишмай амал қилиш маънавий савиямиз, маданиятимизнинг асосий мезонига айланиши шарт.**

Биз жаҳон ҳамжамияти билан яқин ҳамкорликни изчил давом эттиришни ўз олдимизга қўйган улуғ мақсадларга етишнинг энг муҳим омили, деб биламиз. Шу мақсадда дунёдаги барча узоқ-яқин давлатлар, биринчи навбатда қўшни мамлакатлар билан самарали алоқаларимизни янада кучайтирамиз.

Бугун биз жонажон Ватанимизни ривожланган демократик давлатлар қаторига олиб чиқишдек юксак мақсад йўлида кенг қамровли ислохотларни амалга оширмақдамиз».

**Шавкат Мирзиёев**

**Концепцияда кўрсатилган мамлакатимизнинг сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, гуманитар ҳаётига оид энг муҳим устувор йўналишлар:**

- 1. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш.**
- 2. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш.**
- 3. Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш.**
- 4. Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш.**
- 5. Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш.**
- 6. Демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш.**

# Ҳаётимизда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг туб мазмун-моҳияти

## Биринчидан

- мамлакатимизда замонавий демократик жамият қарор топаётгани ва изчил ривожланаётгани;
- иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсаётгани;
- Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора ортиб бораётганидан дарак беради.
- Энг муҳими, Ўзбекистоннинг дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кириши учун барча имкониятлар яратилди.

## Иккинчидан

- Мамлакатимиз Конституциясида белгилаб қўйилган стратегик мақсад ва вазифалар сари тадрижий, босқичма-босқич ва изчил илгарилаб бориш нақадар тўғри бўлганини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб берди.

## Учинчидан

- Халқимизнинг мардлиги ва матонати, жонкуярлиги ва қатъияти, одамларимизнинг беқиёс меҳнати улкан ютуқ ва натижаларга эришиш имконини берди.

# «2017- 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»

1. Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш (Осмон ва тоза сув рамзи, буюк Амир Темури давлат байроғининг ранги) **Хаво ранг**

2. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш. Қонунийлиқ элементлари ҳисобланган устуворлик ва ор-номуслиқ рамзи **Смёҳ ранг**

3. Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш Иқтисодиётни ривожлантириш элементлари ҳисобланган куч қудрат ва бойлик рамзи **Тилло ранг**

4. Ижтимоий соҳани ривожлантириш Ҳаёт ва аҳолининг муносиб турмуш тарзини таъминлаш рамзи **Қизил ранг**

5. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик, ўзаро манфаатли ташқи сиёсат юритиш. Оқ ранг тинчлик севарлик сиёсати элементлари ҳисобланган тинчлик ва софлик рамзи

**Озиқ-овқат, экология ва сув, энергия, ахборот ва сифат хавфсизлиги!**



# ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ТАТАРИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 ноябрь куни Татаристон Республикаси Президенти Рустам Минниханов бошчилигидаги Россия делегациясини қабул қилди. Учрашувда Россия Федерацияси субъектлари орасида мамлакатимиз ҳудудлари учун етакчи ҳамкорлардан бири бўлган Татаристон билан алоқаларнинг бугунги босқичидаги долзарб масалалар ва амалий шерикликни ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилди. Ўзаро ишбилармонлик ва маданий-гуманитар алмашинувлар фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди. Жорий йилда Татаристон пойтахти Қозон шаҳрида Ўзбекистоннинг бош консуллиги очилди. Россиянинг ушбу ҳудуди билан ўзаро савдо ҳажми ортмоқда. Машинасозлик, нефть-газ, кимё ва бошқа тармоқларда қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, товар айирбошлашни кўпайтириш, кооперацияни кучайтириш ҳамда қишлоқ хўжалиги, электротехника ва фармацевтика тармоқлари, ахборот технологиялари, уй-жой коммунал хўжалик, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларида амалий лойиҳаларни илгари суриш муҳимлиги қайд этилди. Учрашув сўнгида 2020 йилга мўлжалланган “йўл харитаси”ни қабул қилиш ва шерикликни кенгайтириш бўйича икки томонлама ишчи гуруҳининг мунтазам учрашувларини ўтказишга келишиб олинди.

# ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКМАНИСТОН: КЎП АСРЛИК ДЎСТЛИК ВА МАДАНИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов 28 ноябрь куни амалий ташриф билан мамлакатимизга келди. Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов кутиб олди. Қардош ўзбек ва туркман халқларининг тарихи, маданияти бир, тили ва урф-одатлари ўхшаш. Бу яқинлик мамлакатларимиз ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорликка асос бўлмоқда. Алоҳида таъкидлаш керакки, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг давлат раҳбари сифатида илк хорижий ташрифи 2017 йил 6-7 март кунлари Туркменистонга бўлган эди. Бу бежиз эмас. Мазкур ташриф Ўзбекистон ташқи сиёсатида яхши кўшничилик муносабатларига алоҳида аҳамият қаратишининг ёрқин далилидир. Ўша музокараларнинг асосий натижаси ўлароқ, Ўзбекистон ва Туркменистон муносабатлари сифат жиҳатидан янги босқичга – стратегик шериклик даражасига кўтарилди. 2018 йил апрелда Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлди. Ўша йили август ойида Президентимиз Шавкат Мирзиёев Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари мажлисида, жорий йил октябрда эса Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги саммитида иштирок этиш учун Туркменистонда бўлди. Бундан ташқари, ҳукуматлар, вазирликлар даражасида ҳам кўплаб учрашувлар ўтказилмоқда. Туркменистон Президентининг бу галги ташрифи давлат раҳбарлари дўстлигининг яна бир ифодаси, 29 ноябрь куни пойтахтимизда ўтадиган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви олтидан самимий мулоқотдир.

Шу боис, йиғилишда “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти раҳбариятига Туркменистон Президентининг Ўзбекистонга амалий ташрифи Кўксарой қароргоҳида давлат раҳбарларининг учрашуви билан бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалаларини кўриб чиқдилар ва уларни кенгайтириш истиқболларини муҳокама қилдилар. Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги стратегик шериклик даражасига кўтарилган кўп қиррали ҳамкорлик жадал ривожланаётгани катта мамнуният билан қайд этилди. Музокаралар чоғида амалий ҳамкорлик масалаларига, жумладан, ўзаро савдони кенгайтириш, машинасозлик, энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва бошқа устувор тармоқларда қўшма лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон ва Туркменистон Президентлари Тошкентда ўтказиладиган Марказий Осиё давлат раҳбарларининг иккинчи Маслаҳат учрашуви минтақада дўстлик, яхши қўшничилик ва шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилиши хусусида яқдил фикр билдирдилар. Туркменистон минтақадаги асосий савдо шерикларимиздан бири. Ўзбекистондан Туркменистонга қишлоқ хўжалиги техникаси, мева-сабзавотлар, минерал ўғитлар, қурилиш материаллари, кимё ва тўқимачилик маҳсулотлари, турли соҳадаги хизматлар экспорт қилинади. Туркменистондан юртимизга нефть ва нефть маҳсулотлари, механик ускуналар, пропилен полимерлари, бошқа кимёвий товарлар келтирилади. Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми муттасил ошмоқда.

Жумладан, 2018 йилда 302 миллион доллардан ошган бўлса, 2019 йил январь-октябрь ойларида бу кўрсаткич 429 миллион долларни ташкил этди. Ўзбекистон – Туркменистон ҳамкорлигининг устувор йўналишларидан яна бири транспорт соҳасидир. Икки мамлакатнинг автомобиль ва темир йўллари орқали ўзаро савдо юклари ташилмоқда, учинчи давлатлар учун ҳам транзит қилинмоқда. Хусусан, 2018 йилда темир йўл орқали халқаро юк ташиш ҳажми 23,7 фоиз ошган эди. Жорий йилнинг 9 ойида бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан яна 37 фоизга ўсди. Автомобиль орқали ташишда ҳам ижобий суръатларни кўриш мумкин. 2018 йилда бу борада 3,5 марта ошиш кузатилган эди. Жорий йилнинг 9 ойида бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,8 марта ўсди. Мамлакатларимиз ўртасидаги маданий-гуманитар алоқалар мустаҳкамланиб бормоқда. Ўзбекистон ва Туркменистон вакиллари икки мамлакатда ташкил этилаётган маданият кунлари тадбирлари, турли концертлар, фестиваллар ва танловлар, спорт мусобақаларида фаол иштирок этмоқда. 2017 йил май ойида Тошкентда Махтумқули номидаги кўча ва унга бағишланган меъморий ёдгорлик очилган эди. 2018 йил апрель ойида Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг мамлакатимизга ташрифи шарафига пойтахтимизда “Ашхобод” сайилгоҳи, Хоразм вилоятида “Ўзбек – туркман” дўстлик уйи ва “Улли ҳовли” мажмуаси очилгани халқларимиз дўстлиги, аҳиллиги ва маданий яқинлигининг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Жорий йилда Самарқандда ўтказилган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали ва Қўқон шаҳрида ўтган Халқаро хунармандчилик фестивалида Туркменистон делегацияси муносиб иштирок этди. Учрашувда ҳудудлар ўртасида, шунингдек, маданий-гуманитар соҳада фаол алоқаларни давом эттириш муҳимлиги қайд

Президентлар минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашди. Музокаралардан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов Туркменистон раҳбарининг китоблари – илмий асарлари кўргазмаси билан танишди. Ушбу китоблар мамлакатимиз илмий-академик доиралари ва ижодий жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотганини таъкидлаш лозим. Мазкур ташриф арафасида Гурбангули Бердимухамедовнинг қатор китоблари – “Бахтли ҳаёт соғлиқдан бошланар”, “Маданият – халқнинг бебаҳо хазинаси”, “Барҳаёт афсона”, “Чой – шифо ва руҳий қувват манбаи” номли китоблари ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп этилган эди. Уларда муаллифнинг саломатлик, туркман халқи маданияти ва урф-одатлари, туркман гиламчилиги, чой ичиш анъаналари ҳақидаги фикрлари, иқтибослари жамланган, мавзуга оид фотосуратлар билан бойитилган. Давлатимиз раҳбари Туркменистон Президентига мамлакатимизда чоп этилган Гурбангули Бердимухамедов китобларининг илк нусхаларини совға қилди.

Шундан сўнг Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовга Ўзбекистон Фанлар академиясининг Фахрий академиги унвонини беришга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Мамлакатимиз Фанлар академияси ушбу қарорни Туркменистон Президенти халқаро илмий доираларда кенг танилган ва эътироф этилган олим, замонавий тиббиёт, фармакология, иқтисодиёт, архитектура ва фаннинг бошқа соҳаларини ривожлантириш ҳамда Марказий Осиёнинг бой табиатини ўрганишга бағишланган қатор илмий қомусий асарлар муаллифи эканини инобатга олган ҳолда қабул қилди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ушбу қарор Туркменистон Президентининг илм-фан соҳаларини ривожлантириш, қардош ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашдаги хизматларига улкан ҳурмат ифодаси эканини

Туркменистон Президентининг аждодлар маънавий мероси ва фундаментал илмий изланишларга асосланган кўп сонли илмий асарлари бугунги фан, маданият ва санъат ривожига муносиб ҳисса қўшди. Давлатимиз раҳбари кейинги йиллар кўп асрлик алоқалар тарихида алоҳида аҳамиятга эга бўлгани ва бугунги кунда Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома асосида тобора ривожланаётганини қайд этди. Бу ўзаро савдо ҳажмининг сезиларли ошгани, саноат кооперацияси ва ҳудудлараро ҳамкорлик кучайиб бораётгани, маданий-гуманитар алоқалар фаоллашганида намоён бўлмоқда. Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов, ўз навбатида, Президент Шавкат Мирзиёев ва Ўзбекистон Фанлар академиясига кўрсатилган юксак эътибор учун чуқур миннатдорлик билдирди, бу Туркменистонга ҳурмат-эҳтиром ифодаси, мамлакатнинг фан ва таълим соҳаларидаги ютуқлари эътирофи, халқларимиз ўртасидаги дўстлик мустаҳкамлигидан далолат эканини таъкидлади. Туркменистон раҳбари кўп асрлик тарихий-маданий алоқалар боғлаб турган мамлакатларимизнинг яхши қўшничиликка асосланган ҳамкорлиги ўзаро манфаатларга ҳам, бутун минтақа фаровонлиги йўлидаги мақсадларга ҳам мос эканини қайд этди. Гурбангули Бердимухамедов Президент Шавкат Мирзиёевнинг давлатларимиз ўртасидаги кўп қиррали шерикликни мустаҳкамлаш, унга янги суръат бағишлашга қўшган шахсий ҳиссасини юксак баҳолади. Ўзбекистон раҳбари билан мунтазам ва самарали учрашувлар доимо дўстона ва ишонч руҳида ўтаётгани ва аниқ келишувларга эришишга хизмат қилаётгани қайд этилди. Буларнинг барчаси Ўзбекистон ва Туркменистон давлатлараро конструктив сиёсий мулоқотни янада мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш борасида қатъий эканини тасдиқлайди. Тадбирда илм-фан ва маданият намояндалари, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган туркман миллати вакиллари сўзга чиқиб, Туркменистон Президентини юксак унвон билан табриклади. Маросимда икки мамлакатнинг расмий делегациялари аъзолари, академик доиралари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

# ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: БИЗ ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ МИНТАҚАВИЙ МУЛОҚОТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ СИФАТ ЖИҲАТИДАН МУТЛАҚО ЯНГИ БОСҚИЧИГА КЎТАРИЛДИК

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг иккинчи Маслаҳат учрашуви якунида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев музокаралар анъанавий дўстлик ва ўзаро англашув руҳида ўтганини, давлат раҳбарларининг минтақада ишонч ва яхши кўшничилик муҳитини янада мустаҳкамлашга бўлган интилиши ва қатъий сиёсий иродасининг яққол ифодаси бўлганини таъкидлади. Биз ўзаро ҳамкорликнинг долзарб масалаларини атрофлича муҳокама қилдик. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни ҳар томонлама кенгайтириш йўлида бутунлай ҳамфикр эканимизни яна бир бор тасдиқладик. Учрашув долзарб минтақавий ва халқаро масалалар бўйича бизнинг қараш ва ёндашувларимиз, ўзаро жуда яқин эканини намойиш этди, – деди давлатимиз раҳбари. Учрашувда савдо тўсиқларини бартараф этиш, саноат кооперациясини янада кучайтириш, энергетика инфратузилмасини модернизация қилиш ва минтақанинг транзит имкониятларини кенгайтириш масалалари кўриб чиқилгани маълум қилинди. Томонлар ҳудудлар даражасида фаол алмашинувлар ва мулоқотни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, илм-фан, таълим, туризм, маданият ва спорт соҳаларида кўшма тадбирларни мунтазам ўтказишга келишиб олдилар. Музокаралар чоғида минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш учун кўп томонлама ҳамкорлик масалаларига жиддий эътибор қаратилгани айтилди. Саммит якунида Қўшма баёнот қабул қилинди ҳамда Маслаҳат учрашувларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш регаменти маъқулланди. Қозоғистоннинг Биринчи Президенти - Элбоши Нурсултон Назарбоев бир овоздан Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашувининг Фахрий раиси этиб сайланди. – Бизни муштарак тарих ва маданият, ягона муқаддас дин, ўхшаш менталитет, маънавий-ахлоқий қадриятлар ва анъаналар, ҳамда ажралмас дўстлик чамбарчас боғлаб туради. Буларнинг барчаси, халқларимиз фаровонлиги ва равнақи йўлида Марказий Осиё давлатлари салоҳиятини бирлаштиришга қаратилган ўзаро манфаатли ҳамкорлигимизга мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади, – дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашуви келгуси йили Қирғизистонда ўтказилади.

# ҚОМУСИМИЗ – ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ КАФОЛАТИ

*Халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси бўлган Конституциямиз юртимизда демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.*

**Ш.М.Мирзиёев,  
Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

Маълумки, Конституция ҳар бир давлатнинг асосий ҳуқуқий ҳужжати ҳисобланади. Унинг қоидалари нафақат давлат тузуми, давлат ҳокимияти ва бошқарувини ташкил этиш тамойилларини, балки ижтимоий-иқтисодий ҳаёт меъёрларини ҳам белгилаб беради. Қайд этиш лозимки, асосий қонун, яъни Конституцияда бошқа барча жорий қонунлар учун асосий аҳамиятга эга ғоя ва қоидалар мустаҳкамланади. Шу тариқа ҳар қандай давлатнинг ҳуқуқий тизимида у устувор аҳамият касб этади. Конституциявий ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у ўзининг асосий қоидаларини ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш учун кенг имконият яратади. Асосий конституциявий қоидалар, тамойиллар юридик базани ташкил қилади. Ушбу юридик база негизида эса ҳуқуқнинг барча — молиявий, фуқаролик, жиноий, меҳнат ва бошқа соҳаларининг нормалари мужассам. Ҳар қандай меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат (қонунлар, фармонлар, қарорлар ва бошқалар) конституцияга асосланади. Бошқача айтганда, конституция барча қонун ҳужжатларининг асоси, манбаи ҳисобланади. Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. // Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.

Эркинлик, тенглик, адолат, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги, ҳокимиятнинг сайлов асосида вужудга келиши, ҳокимиятлар бўлиниши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд қарорисиз маҳрум этиб бўлмаслиги, айбсизлик презумпцияси буларнинг барча-барчаси демократиянинг энг муҳим белгилари бўлиб, демократик давлатлар конституцияларининг муҳим принципларини ташкил этади. Шу маънода айтиш жоизки, юқорида келтириб ўтилган демократик принципларни ўзида мужассам этган мўътабар Қомус — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун - мустақил Ўзбекистон тараққиётида беқиёс сиёсий, ҳуқуқий ва халқаро аҳамиятга молик тарихий кун бўлиб қолди. Негаки, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси юртимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этишнинг ҳуқуқий пойдеворидир. Буни қуйидаги мисолларда аниқроқ таҳлил этишимиз мумкин. Хусусан, Биринчидан, Конституция асосий қонун сифатида ижтимоий ҳаётнинг ҳуқуқий тартибга солинадиган объекти ҳисобланган барча жабҳаларига бевосита ўз таъсирини кўрсатади. Бироқ конституциянинг тартибга солувчи таъсири бавосита шаклда ҳам амалга оширилади. Масалан, унинг жорий ва соҳавий қонунчиликка сингдирилган асосий принцип ва қоидалари бошқача, яъни бавосита шаклда таъсир кўрсатади. Умуман айтганда, конституциянинг таъсири қандай шаклда намоён бўлишидан қатъи назар, ижтимоий муносабатларни мунтазам тартибга солувчи, ҳамжиҳатлик ва тартиб-интизомни ижтимоий ҳаётга жорий этиш, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи восита бўлиб қолаверади. Иккинчидан, конституция ҳуқуқ манбаларидан бири сифатида давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини ифода этиш ва юритиш воситаси ҳам ҳисобланади.

Ўзбекистон Конституциясининг тўртинчи боби тўлиқ мамлакатимиз ташқи сиёсати асосларини тартибга солишга бағишланган. Асосий қонундан ушбу бобнинг ўрин олиши сиёсий масалани ҳал этишда конституция нечоғлик муҳим ўрин тутишидан далолатдир. Учинчидан, конституция асосий ғояларни мустаҳкамлайдиган сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат сифатида муайян тарзда шахс онг-тафаккури, дунёқарашининг шаклланишига мафкуравий таъсир кўрсатади. Республикамиз Конституциясида ҳам замонавий демократик давлатлар конституцияси сингари барчанинг қонун олдида тенглиги, шахснинг давлатга нисбатан устуворлиги, давлатнинг инсон ва жамият фаровонлиги учун хизмат қилиш мажбурияти каби инсонпарварлик тамойилларига катта аҳамият берилган. Чунончи, унинг 14-моддасида “давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади.” дея қайд этилган. Ушбу ғояларни жамоатчилик онгига сингдириш ҳар бир фуқаронинг қонунларга ҳурмат билан муносабатда бўлишини шакллантиришга кўмаклашади. Тўртинчидан, конституция тегишли давлат ҳокимият тузилмаларини таъсис этиш орқали ижтимоий ривожланиш жараёнига ҳам таъсир кўрсатади. Конституциямизга асосан ҳокимлик институтлари таъсис этилди. Шунингдек, мамлакатимизда Конституция талабларидан келиб чиқиб, ўзини ўзи бошқариш шакли сифатида ўзбек халқи менталитетига мос ва кўп асрлик ривожланиш амалиёти билан синалган маҳалла институти ташкил этилгани ҳам бу фикрнинг исботидир. Бешинчидан, конституциявий ҳуқуқий тартибга солиш давлат-ҳуқуқ меъёрларини яратиш билан чекланиб қолмайди. Ушбу меъёрларнинг яратилиши ягона мақсад эмас, балки улар жамоатчилик ҳамда тегишли давлат органлари фаолиятига татбиқ этиш учун мўлжалланган. Конституция муҳим амалий ташкилотчилик вазифасини бажариб, ҳуқуқни амалга ошириш, қонунийлик ва ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлаш, тегишли давлат тузилмаларини қайта ташкил этиш ва такомиллаштиришга жиддий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Конституциясининг тўртинчи боби тўлиқ мамлакатимиз ташқи сиёсати асосларини тартибга солишга бағишланган. Асосий қонундан ушбу бобнинг ўрин олиши сиёсий масалани ҳал этишда конституция нечоғлик муҳим ўрин тутишидан далолатдир. Учинчидан, конституция асосий ғояларни мустаҳкамлайдиган сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат сифатида муайян тарзда шахс онг-тафаккури, дунёқарашининг шаклланишига мафкуравий таъсир кўрсатади. Республикамиз Конституциясида ҳам замонавий демократик давлатлар конституцияси сингари барчанинг қонун олдида тенглиги, шахснинг давлатга нисбатан устуворлиги, давлатнинг инсон ва жамият фаровонлиги учун хизмат қилиш мажбурияти каби инсонпарварлик тамойилларига катта аҳамият берилган. Чунончи, унинг 14-моддасида “давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади.” дея қайд этилган. Ушбу ғояларни жамоатчилик онгига сингдириш ҳар бир фуқаронинг қонунларга ҳурмат билан муносабатда бўлишини шакллантиришга кўмаклашади. Тўртинчидан, конституция тегишли давлат ҳокимият тузилмаларини таъсис этиш орқали ижтимоий ривожланиш жараёнига ҳам таъсир кўрсатади. Конституциямизга асосан ҳокимлик институтлари таъсис этилди. Шунингдек, мамлакатимизда Конституция талабларидан келиб чиқиб, ўзини ўзи бошқариш шакли сифатида ўзбек халқи менталитетига мос ва кўп асрлик ривожланиш амалиёти билан синалган маҳалла институти ташкил этилгани ҳам бу фикрнинг исботидир. Бешинчидан, конституциявий ҳуқуқий тартибга солиш давлат-ҳуқуқ меъёрларини яратиш билан чекланиб қолмайди. Ушбу меъёрларнинг яратилиши ягона мақсад эмас, балки улар жамоатчилик ҳамда тегишли давлат органлари фаолиятига татбиқ этиш учун мўлжалланган. Конституция муҳим амалий ташкилотчилик вазифасини бажариб, ҳуқуқни амалга ошириш, қонунийлик ва ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлаш, тегишли давлат тузилмаларини қайта ташкил этиш ва такомиллаштиришга жиддий таъсир кўрсатади.

Дарҳақиқат, ҳар бир демократик давлатнинг конституциявий асосини инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ташкил қилади. Шу маънода, мамлакатимиз Конституциясидан “Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари” бўлими алоҳида ўрин эгаллагани бежиз эмас. Шунингдек, Бош қомусимизнинг “Асосий принциплар” бўлимида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият эканини қайд этувчи асосий ғоялар мустаҳкамланган. Конституциямизнинг қолган барча бўлимларида ўзининг ижтимоий йўналиши бўйича жамоат ва давлат тузилмаларининг шахс ҳамда жамият олдидаги вазифалари баён этилган. Шу ўринда Бош қомусимизнинг яратилиш тарихи ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Зеро мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ унинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилганди. Шу мақсадда тузилган Конституциявий комиссия 1992 йил 8 сентябрда Асосий Қомусимизни яратиш йўлида бажарилган ишни маъқуллади ҳамда Конституция лойиҳасини умумхалқ муҳокамасига ҳавола этишдан аввал уни яна бир бор синчиклаб ўрганиш ва таҳрир қилиш учун ишчи гуруҳи тузилди. 1992 йил 26 сентябрда эса мамлакат Конституция лойиҳаси илк бор матбуотда эълон қилинди. Асосий Қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси жуда кенг тус олди. Фуқароларнинг сиёсий фаоллиги туфайли қарийб икки ой мобайнида билдирилган фикр ва мулоҳазалар ўрганилди. Ижодий кўтаринкилик руҳида ўтган халқ муҳокамаси Ўзбекистонда демократия ривожининг самарали амалий мактаби бўлди. Матбуотда, радиоэшиттириш ва телекўрсатувларда баҳс-мунозаралар қизғин тус олди. Давра суҳбатлари, анжуманлар бўлиб ўтди. Матбуот саҳифаларида Конституция лойиҳасига бағишланган юздан ортиқ фикр ва мулоҳазалар эълон қилинди. 5 мингдан зиёд таклифлар билдирилди. Муҳокама жараёнида лойиҳа матни анча тuzатилди, қайта ишланди ва 1992 йил 21 ноябрда муҳокамани давом эттириш учун газеталарда қайта чоп этилди.

Шундай қилиб, ҳуқуқий прецедент — икки босқичли умумхалқ муҳокамаси юз берди. Ушбу ҳолат муҳокама иштирокчиларини фаоллаштирди. Натижада умумхалқ фикр алмашуви янгича тус олди. Мазкур акциянинг аҳамияти шундан иборат эдики, фуқаролар Конституциянинг қайта ишланган вариантыда муҳокама жараёнидаги ўз иштирокларининг натижасини кўра олдилар. Негаки, янги вариантда умумхалқ муҳокамасининг дастлабки босқичида фуқароларнинг фаол қатламидан келиб тушган кўплаб фикр-мулоҳазалар ва таклифлар ўз ифодасини топган эди. Фуқаролар Конституциявий комиссия томонидан уларнинг овози эшитилганлигига, таклифлари тегишли равишда кўриб чиқилиб, инобатга олинганлигига ишонч ҳосил қилдилар. Конституция лойиҳаси Бирлашган миллатлар ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши каби нуфузли халқаро ташкилотлар ва АҚШ, Буюк Британия, Франция каби демократик давлатлар мутахассисларининг синчков экспертизасидан ўтди. Ўзбекистон Конституциясини яратишда жаҳон конститутсиявий тажрибасининг қуйидаги жиҳатлари ўз ифодасини топди:

Биринчи, республика бошқарув шакли — бевосита халқ бошқарувининг шаклларида бири эканлиги; Иккинчи, конститутсиявий тартибга солишнинг классик принтсиплари — ҳокимият ваколатларининг бўлиниши, инсон ҳуқуқлари ва халқаро ҳуқуқ нормаларига содиқлик, Конституциянинг барқарорлиги;

Учинчи, Конституция матнини муқаддима ва бўлимлар, боблар ва моддалар бўйича тақсимлаш ҳамда уларни мантиқий жойлаштириш;

Тўртинчи, мазмунининг қисқалиги — реал давлат ва ижтимоий ҳаётни чеклаб қўядиган ортиқча қоидаларга йўл қўймаслик мақсадида Конституцияда келажакда қабул қилинадиган қонунларга оид ҳаволалар йўқлиги ҳам шу мақсад билан боғлиқ;

Бешинчи, мафкуралаштиришдан воз кечиш, яъни бир мафкура ҳукмронлигидан воз кечиш; фикр, сўз, виждон ва эътиқод эркинлиги;

Олтинчи, конститутсиявий кафолатлар — Конституция устуворлиги, Конституциявий суд тузилиши, Асосий Қонунга ўзгартиш киритишнинг алоҳида тартиби.

Аввалги “иттифок” конституцияларидан фарқли равишда мустақил Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонунида фақат Европага хос конституциявий тартибга солишнинг таъйиқи йўқ. Лекин Ғарб мамлакатларининг демократик конституцияларига хос бўлган фуқаролик жамияти, ҳокимият ваколатларининг бўлиниши, мувозанат ва ўзаро чеклаб туриш тизимига оид нормалар инобатга олинган. Бу ерда ислом дини маънавий анъаналарининг таъсири сезилади, давлат катта оила каби тушунилиши ва раҳбар ушбу оила ҳар бир аъзосининг тинчлиги, қадри ва фаровонлиги учун масуллиги яққол кўзга ташланади. Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси Ўзбекистон халқининг хоҳиш-иродасини аниқлаш ҳамда жуда бой материал тўплаш имконини берди. Ушбу материал чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб чиқилди, умумлаштирилди ва халқнинг умумий иродаси шаклида ўн иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси муҳокамасига киритилди ва тасдиқланди. Хорижий мамлакатлар конституциявий ҳуқуқи бўйича россиялик мутахассис А.Якушев шунини таъкидлайдики, “Ўзбекистоннинг Конституцияси собиқ иттифокдош давлатларнинг конституциялари орасида биринчи эди (бошқа барча МДҲ давлатлари ва Болтикбўйи давлатларида конституциялар кейинроқ, яъни 1992-1996 йилларда қабул қилинган). Ўзбекистон Конституцияси ўзбек жамияти ва давлатининг барча энг муҳим соҳаларини тартибга солади, қисқалиги ва аниқ ифодаланганлиги, шунингдек, ўзига хос тузилиши билан ажралиб туради”. Шунингдек таъкидлаш ўринлики, Конституциянинг муайян мамлакат ижтимоий тараққиётининг ҳуқуқий замини, мезони эканлиги унинг функцияларида яққол намоён бўлади. Конституциянинг энг асосий функцияларидан бири давлатчилик ривожланишидаги ворисликни таъминлашдир. Бу борада шунини айтиш лозимки, конституциямизда мустаҳкамланган оилага бўлган эътибор ёки ота-онага бўлган муносабат хусусидаги қоидаларни оладиган бўлсак ҳам -бу халқимизнинг онгида неча асрлардан буён шаклланган урф-одатларимизнинг бир бўлагига айланган умумэътироф этилган одатларимизнинг Конституциямизда ўз ифодасини топганлигининг бир намунаси.

Конституциянинг сиёсий функциясини оладиган бўлсак, у жамиятнинг ижтимоий тузумини тартибга солиш билан бирга сиёсий ҳаёт ҳамда ҳокимият учун курашнинг муайян ҳуқуқий доирасини белгилаб беришда ифодаланади. Ташкилий функциянинг моҳияти давлатнинг конституцион тузилишини ташкил этиш ва унинг фаолиятига доир асосий мезонларни тартибга солишдан иборат. Конституцияда жамият тараққиётига туртки берувчи ғоялар ўз ифодасини топади. Бу унинг амалий функциясини намоён қилади. Конституция асосий қонун сифатида муайян давлатнинг ҳуқуқий ва қонунчилик тизимларининг ўзагини ташкил этади, ҳуқуқий тизим фаолиятининг устувор тамойилларини белгилайди ва бу унинг яна бир-юридик функциясида яққол намоён бўлади. Ўзбекистонимизнинг Конституциясида юртдошларимизнинг келажак авлодларга овоз ва обод ватан қолдириш, уларнинг бахту камолини кўришдек орзу-ҳаваслари ўз ифодасини топганлиги билан бирга, давлатимиз биринчи раҳбари таъкидлаганларидек, унда жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи – Инсон деган фикр илгари сурилган ва шу асосда фуқаро- жамият – давлат ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечими белгилаб берилган асосий қонунимизда давлатимизнинг, жамиятимизнинг ва ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва бурчлари бир-бирига уйғунлаштирилган ва мувофиқлаштирилган. Асосий қонунимизда демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамиятининг қиёфаси, ўзига хос белги ва хусусиятлари шакли ва шамойиллари ўз ифодасини топган. Улуғ аждодларимизнинг асрий армонлари, эркин ҳаёт, фаровон жамият ва адолатли давлат барпо этишдек энг эзгу тилаклари ва улуғ орзуларини ўзида мужассам этган Давлатимиз Конституцияси барча қабул қилинадиган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар учун мустаҳкам асос ва дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Конституциямизда бешта асосий тамойил мустаҳкам белгилаб қўйилган. Булар демократик жамиятнинг халқаро миқёсда эътироф этилган тамойилларидир. Бу тамойиллар фуқароларнинг ўз хоҳиш – иродасини эркин билдириши, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги, давлат ва жамиятни бошқариш ишларида қонун устуворлиги, давлат ҳокимияти органларининг сайловлар асосида шакллантирилиши, уларнинг сайловчилар олдида ҳисоб бериши каби шаклларда намоён бўлади. Конституциямизда шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари давлатдан устунлиги эътироф этилган, шунингдек, унда инсон қадри, шахс эркинлиги ва ҳаётини таъминловчи табиий имкониятларни юзага чиқишига алоҳида аҳамият берилган. Конституциямизда шахснинг ёши, миллати, ирки, ижтимоий аҳволи билан боғлиқ ҳеч қандай чеклашлар йўқ. Масалан, бошқа мамлакатларнинг фуқароликка эга бўлиш тўғрисидаги қонунчилигида кузатишимиз мумкин бўлган тил билиш ва ўтроқлик негизлари борасида ҳам чеклашлар йўқ, бундан қатъий назар, тенг фуқаролик ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган. Бош Қомусимизда инсоннинг кундалик ҳаётдаги энг муҳим эҳтиёжларини таъминловчи имкониятлар яшаш ҳуқуқи, шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, суд жараёнида шахсий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи, турар жой дахлсизлиги ҳуқуқи, бир жойдан иккинчи жойга эркин кўчиш ҳуқуқи, фикрлаш, эътиқод ва сўз эркинлиги, виждон эркинликлари қоида йўли билан кафолатланган. Конституциянинг асосий моҳиятларидан яна бири бўлиб, жамият ва унинг аъзолари олдида мақсад қўйиши ва ана шу эзгу мақсадга эришишнинг йўллари ўзида мужассам этишида ифодаланади. Асосий қомусимиз ўзида инсон – оила – жамият – давлат манфаатларини уйғунлаштиргани сабабли, мазкур ҳужжат ҳаётимизнинг барча соҳаларида олиб борилаётган ислохотларнинг самарали, муваффақиятли бўлишини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатламоқда. Жаҳонда бўлиб ўтаётган воқеалар ҳам шуни яққол тасдиқламоқдаки, агар инсон ва давлат манфаатлари ўзаро уйғунлиги бузилса, давлатда олға силжиш бўлмайди. Мамлакатимизда эса, бу масала давлатимиз раҳбарининг оқилона ва доно сиёсати туфайли Конституциямизда жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи - инсон деган фикрни илгари сурилди ва шу асосда “фуқаро – жамият – давлат” ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интилдик.

Конституция ҳар қандай давлатнинг ўзига хос паспорти десак ҳам муболаға бўлмайди. Чунки, у ёки бу мамлакатда давлатни тавсифлаш зарур бўлганда Асосий қонун ушбу давлат ривожланишнинг қандай йўлини танлагани, инсон-жамият-давлат муносабатлари, давлат тузилиши ва бошқарувига оид барча масалаларни муфассал тартибга солади. Конституция давлат билан шахс ўртасидаги ўзаро ҳуқуқлар ва бурчлар белгилаб олинган ўзига хос аҳднома десак ҳам муболаға бўлмайди. Чунки Конституциямизнинг 19-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар, деб мустаҳкамлаб қўйилган. Шу маънода Асосий қонусимизда давлат ўзига бир қатор ўта муҳим мажбуриятларни олганки, унга кўра давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади, давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди, давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади. Фуқаролар эса Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажариш, Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга, Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга, атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга, қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга, ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар. Ҳар бир мамлакатда у ёки бу жорий қонунлар бўлиши ва у муайян вақтдан сўнг номи ўзгариши ёхуд бекор бўлиши мумкин. Бироқ, Конституция инсон, жамият, давлат манфаатларини ва иродасини ўзида ифодаловчи, давлат тузилиши ва бошқаруви шакли асосларини белгиловчи, ҳокимият идоралари фаолиятининг ташкил этилиши тартиби ва принципларини мустаҳкамловчи олий юридик кучга эга бўлган ҳужжат бўлиб, у ўзининг ягоналиги ва барқарорлиги билан ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг III боби “Конституция ва қонуннинг устунлиги” деб номланиб, ундаги қоидаларга кўра Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар. Мазкур Конституциянинг бирорта қоидаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас. Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас, деб белгиланган. “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонун 7-моддасига кўра Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси олий юридик кучга эга ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида қўлланилади. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида ва уни ижро этиш учун қабул қилинади ҳамда унинг нормалари ва принципларига зид келиши мумкин эмас. Мазкур Қонуннинг 22-моддасига биноан эса барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлиги юзасидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади. Конституцияни махсус муҳофаза қилиш мақсадида Асосий қонунимизда Конституциявий суд ташкил этилиши белгилаб қўйилди. Мазкур суд қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўради. Бундан ташқари, 2014 йил 16 апрелда Конституциямизга киритилган парламент ва жамоатчилик назорати институтларига оид нормалар ҳам Асосий қонунимизни устунлигини таъминлашга хизмат қилади. Асосий қонунимиз 128 моддадан иборат бўлгани ҳолда унинг 30 дан ортиқ моддалари бевосита инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига бағишлангандир. Конституциямиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг деярли барча принциплал қоидаларини ўзида мужассамлантириб, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги таъминланишини қайд этади, унга кафолатлар беради.

Ўтган йиллар давомида парламентимиз томонидан инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини тартибга соладиган 16 та кодекс ва 400 дан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистон биринчи ратификация қилган ҳужжат ҳам Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси бўлди. Истиқлол йилларида мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича 70 дан ортиқ асосий ҳужжатга қўшилди, БМТ томонидан бу соҳада қабул қилинган олтинчи асосий халқаро шартнома қатнашчисига айланди. Конституцияда инсон ҳуқуқи, инсон эркинлигининг устувор эканлиги ўз ифодасини топган, биргина 13-модданинг ўзиёқ ҳуқуқий давлатнинг энг асосий талабларидан бирини ўзида мустаҳкамлаган, унда Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланиши, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланиши қайд этилган. Унга биноан ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик, фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, давлат органларига, муассасаларига мурожаат қилиш, мулкдор бўлиш, меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, билим олиш каби ҳуқуқларга эга. Шунини алоҳида қайд этиш жоизки, фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиз бўлиб, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Бундан ташқари, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари алоҳида муҳофазага олинган бўлиб, ушбу ҳуқуқ ва эркинликларга тажовузлардан кўриқлаш, бундай ҳолатларни олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг махсус қисмида алоҳида VII боб. “Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар”га бағишланган. Конституциямизда демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилиниши (13-модда), давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаши (43-модда), ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланиши (44-модда) мустаҳкамлаб қўйилди.

Мазкур нормаларни ташкилий-ҳуқуқий механизмларини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик, Жиноят процессуал кодекслари, “Судлар тўғрисида”, “Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида”, “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинган. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, хусусан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, шунингдек Адлия вазирлиги таркибида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича махсус тузилмалар фаолият кўрсатмоқда. Конституцияда фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш, давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш, овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланиши мустаҳкамланди. Ушбу конституциявий тамойилларнинг қонунчилик механизмлари Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексида ўз аксини топди. Демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси бўлмиш ҳокимиятларни бўлиниши принципи Асосий қонунимизнинг 11-моддасида ўз ифодасини топган, яъни, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими - ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади. Ушбу принцип ижро ўлароқ мамлакатимизда ҳокимият тармоқлари фаолиятини бевосита тартибга соладиган етгита қонун қабул қилинди. Ҳозирги кунда миллий парламентимиз Олий Мажлис палаталари, Ҳукумат – Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий суд, Олий суд мустаҳкам конституциявий-ҳуқуқий негиз асосида фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Конституция 89-моддасига асосан мазкур давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини самарали таъминламоқда.

Асосий қонунимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асослари бўлган бозор муносабатларини ривожлантириш, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги каби конституциявий нормалар ҳам ўз ифодасини топган. Бундан ташқари, Конституция инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини, демократик кадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, ҳайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузиладиган фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга ҳам муҳим ҳуқуқий пойдевор яратган. Унинг асосини Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиши, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эга эканликларини белгилайдиган конституциявий нормалар ташкил этади. Ушбу қоидаларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш мақсадида юртимизда “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”, “Сиёсий партиялар тўғрисида”, “Нодавлат ноижорат ташкилотлар тўғрисида”, “Нодавлат ноижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди. Яна бир гап. Конституциямиз миллий тафаккуримизни, муқаддас кадриятларимизни ҳам ўзида акс эттирган. Асосий қонунимиз давлат тилини ўзбек тили деб белгилаб, ўз вақтида Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилиниши таъминланиши, уларнинг ривожланиши учун шароит яратилиши кафолатлайди. Бу эса фуқароларнинг аҳиллиги, халқимизга хос одамийлик, умуминсоний кадриятларга ихлос каби яхши сифатлар ўз аксини топганлиги, юртимизга хос қардошлик ва дўстлик анъаналари, ўзининг бой ва теран тарихига эга бўлмиш халқларнинг ўзаро тотувлигининг абадий пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

Шунингдек, 45-моддада вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги, 64-моддада эса ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур эканликлари, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаши, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантириши, шунингдек 66-моддада вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбур эканликларини мустаҳкамлайди. Мазкур конституциявий нормаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси, “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги каби бир қатор қонунлар қабул қилинди. Юқоридагилардан келиб чиқиб, айтиш жоизки, мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси биринчидан, ҳақиқатан ҳам демократик Конституция бўлиб, тарихда синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган ҳамда халқаро демократик андоза ва талабларга жавоб беради, иккинчидан, бизнинг Конституция энг ривожланган, тараққий топган давлатларнинг тарихий тажрибасига таянган ҳолда яратилган, унинг дунё миқёсидаги ҳар қандай илғор давлат Конституциясидан кам жойи йўқ, учинчидан, Конституция, умумий мазмунидан тортиб оддий бир бандига қадар миллий тафаккурни, муқаддас қадриятларни, шу азиз ва муқаддас заминимизда истиқомат қилаётган инсонларнинг дунёқарашини, уларга хос ўзаро муносабатларни, хусусиятларни, меҳр-оқибат, одамийлик, ўзга миллат ва элатларга нисбатан ҳурмат, илму фанга интилиш, ор-номус, иффат ва ҳаё каби эзгу фазилатларни ўзида акс эттиради.

Хулоса қилиб айтганда, Конституция биз учун нафақат муҳим ҳаётий қўлланма, балки ғурур-ифтихор, шу заминда истиқомат қилаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча инсонлар учун мустаҳкам бир ҳимоя, қонун олдида ҳамманинг тенглигини таъминлайдиган, ҳар бир инсоннинг ўз фикрини эмин-эркин ифода қилишида, ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб этишида, бурч ва масъулиятларини бажаришида бамисоли қалқон бўлиб хизмат қилмоқда.

**ЭЪТИБОРИНГИЗ  
УЧУН РАХМАТ!**